

SOCIAL ANALYSIS OF THE DREAMS OF PEOPLE OF UZBEKISTAN

Dilnora Saipova Dilmurodovna

Independent researcher at the Academy of Public
Administration under the President of the Republic of Uzbekistan.

dilnora.saipova@gmail.com

Аннотация:

Орзу бу шахсий хоҳиш-истакларнинг ўзига ҳос йиғиндиси бўлиб, ижтимоий ўзгаришларнинг истиқболига таъсир қилувчи омилдир. Маълумки, социал муҳитнинг келажаги ундаги субъектларнинг хатти-ҳаракатларига боғлиқ. Орзу эса мана шу хатти-ҳаракатларга ундовчи бош мезон ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Республикамиз бўйлаб турли ёш, жинс вакиллари бўлмиш 1378 та респондентнинг орзулари сўровнома орқали ўрганилиб, ижтимоий таҳлиллар амалга оширилди. Бу эса респондент ва уларнинг тенгдошлариинтилишлари, мақсад ва эҳтиёжлари, дунёқарашлари борасида кенгроқ тасаввур олишга ва шу орқали ижтимоий жараёнлар ривожига, келажаги бўйича таҳлиллар натижасини кўриш ва башорат қилиш имконини беради.

Калит сўзлар:

орзу, мақсад, хоҳиш, орзу иерархияси, келажак, ишонч, интилиш, ёшлар орзуси, қариялар орзуси, ўрта ёшдагилар орзуси, ўсмирлар орзуси, психология.

Аннотация:

Мечта - это особый набор личностных желаний, фактор, которой влияет на перспективы социальных изменений. Известно, что будущее социальной среды зависит от поведения ее субъектов. Мечта является главным критерием этих действий. Из 1378 респондентов разного возраста и пола по всей стране были изучены мечты с помощью опроса и проведен социальный анализ. Это позволило получить более широкое представление об стремлениях респондентов, их целях, потребностях, мировоззрении, и достигнуть более обширного представления развития социальных процессов.

Ключевые слова:

Мечта, цель, желание, иерархия мечты, будущее, уверенность, стремление, мечта молодежи, мечта пожилых людей, мечта среднего возраста, мечта подростков, психология.

Annotation:

Dreaming is a unique combination of personal desires and a process that affects the prospects for social change. It is known that the future of the social environment depends on the behaviour of its subjects. Dreaming is the main criterion for this action. As a result, the dreams of 1,378 respondents of different ages and genders across the country were studied through a survey and social analysis was conducted. This allowed the respondents and their peers to gain a broader understanding of their aspirations, goals and needs, worldviews, and thus to see and predict the results of analyses on the development and future of social processes.

Keywords:

Dream, goal, desire, dream hierarchy, future, confidence, aspiration, youth dream, seniors dream, middle age dream, teen dream, psychology.


Ўтмишнинг ўзи инсоният орзуси қанчалик ғайритабиий бўлишидан қатъий назар, унинг орзу-мақсадлари рўёбга чиқиши мумкинлигини намоиш этмоқда. Биргина учар гиламлар, сеҳрли кўзгу, сеҳрли таёқча, чаққон супурги ҳақидаги эртак ва қиссаларни олайлик, биз улар ҳаётий бўлган замонда яшамокдамиз.

Маълумки, кўплаб ривожланган мамлакатларда фуқароларнинг орзулари бўйича чуқур социологик тадқиқотлар ўтказилган. “Русская мечта”¹ яъни “Рус Орзуси”, “Америка орзуси”, “Европа орзуси” каби кўплаб илмий изланишлар қилинган. Ўзбекистонда ҳам шу каби социологик тадқиқотлар ўтказилиши долзарб масала. Биз ҳам айти йўлда қадамларни ташладик десак муболаға бўлмайди.

Биз 2018-2019 йиллар давомида яъни карантиндан ҳоли бўлган, тинч ва осойишта даврда ОАВ орқали аҳолининг орзулари бўйича сўровнома ўтказдик.² Унда 7 ёшдан 92 ёшгача бўлган Ўзбекистоннинг 12 вилояти, Тошкент шаҳри, Қорақолпоғистон Республикасидан 1378 та респондент қатнашди. Респондентларимизга сўровнома чоғида очиқ савол билан мурожаат қилдик. Яъни, биз анкетада “Ўз орзуингизни ёзинг” деган таклиф билан бирга шахсга оид саволлар бердик. Унга респондентларнинг 99 фоизи жавоб бериб, ўз орзуларини ифода этди. Орзуларни маъно бўйича қуйидагича туркумланди: саёҳат қилиш орзуси (18%), “юлдузлар” билан боғлиқ (улар билан кўришиш каби) (16%), тиббий-соғломлаштириш хизматларига оид (10%), иккиламчи моддий (шахсий ва уй жиҳозлари) ашёлар (8%), шахсий уй-жойга эга бўлиш (6%), ютуқли шоуларда қатнашиш (6%), касб эгаллаш (5%), шахсий автомобилга эга бўлиш (5%), ҳаж ва умра зиёратлари (4%), ижодий (4%), таълим (2%), экстримал (2%), спорт (1%), президент билан учрашиш (1%), тўй-тантана (1%).

“Ўз орзуингизни ёзинг” ибораси ўзида “орзуингиз борми”- деган ёпиқ саволни ифодалайди. 1378 та респондентнинг 1% ушбу саволга жавоб бермаган ёки сир эканлигини айтган. Бу эса респондентлар орзуга ва уни рўёбига ишонмаслиги ёки ўз орзусидан уялишини кўрсатади.

Демак, юқорида таъкидланганидек, 1378 та респондент қатнашган, уларнинг 69% аёллар, 31% ни эса эркеклар ташкил қилди (1-диаграмма). Аёллар кўлами икки баробардан кўплиги аёлларимизнинг орзу-ҳавас, мўжизаларга бўлган ишончларини юқорироқ эканлигини ифодалайди. Эркекларни пастроқ кўрсаткичлари гендерлик стереотипига ҳам боғлиқ. “Эркек киши йиғламайди”, “Эркек киши реалист бўлиши керак” жумлалари “Эркек киши орзу қилади” иборасига зид қаралади. Бу баҳсли бўлсада, шу каби ўтказилган социологик сўровларда орзу ва унга ишониш масаласида аёлларнинг фаоллиги қайд этилган.³



1-диаграмма


Ёш категорияси бўйича сўровномада иштирок этганларнинг 7 ёшдан 11 ёшгача 5,52%; 12 ёшдан 17 ёшгача 23,08%; 18 ёшдан 29 ёшгача 27,79%; 30 ёшдан 44 ёшгача 22,93%; 45 ёшдан 59 ёшгача 11,76%; 60 ёшдан 91 ёшгача 8,93% ташкил қилади (2-диаграмма). Сўровномада қатнашганларнинг 73% ўспирин, ёшлар ва ўрта ёшдагилар (12-44 ёшлар) ҳисобланади⁴. Бу эса ушбу категориядаги фуқароларимиз аниқ орзуга эга эканлиги (хоҳ бирламчи, хоҳ иккиламчи орзу бўлсин) ва улар катта ёшдагиларга қараганда кўпроқ мотивация, интилиш ва эҳтиёжга эга эканликларидан далолат беради.

¹ <https://cyberleninka.ru/article/n/russkaya-mechta-vzglyad-sotsiologa/viewer>

² “Зўр Тасвир” журнали, “Зўр ТВ” телеканали


³ Порядин И.А. Мечта. Какая она бывает? (результаты социологического исследования) (2007) [Электронный ресурс] URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mechta-kakaya-ona-byvaet-rezultat-sotsiologicheskogo-issledovaniya>

⁴ Бу ёш гуруҳига мансублар Ўзб. Респ. Аҳолисининг 52% ни ташкил қилади. <https://stat.uz>



2-2-диаграмма

Респондентларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва бандлиги жиҳатидан 27% ўқувчи ёшлар, 19% уй бекалари, 14% хизматчи, 12% ишчи, 10% нафақахўр, 6% зиёли, 6% талаба, 4% ишсиз, 2% ногиронларни ташкил қилди (3-диаграмма).



31-диаграмма

Хулоса қилиб, 1378 та респондент орасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра респондентларнинг 99% да бирламчи ёки иккиламчи кўринишда орзулари мавжудлиги ва улар билан бўлишга олиш имконияти қайд этилгандир. Респондентларнинг асосий қисмини аёллар ташкил қилди. Эркакларни пастроқ кўрсаткичда эканлиги гендерлик стереотипига ҳам боғлиқ. Саёҳат қилиш орзусининг юқори кўрсаткичда эканлиги дунёни англашга, мароқли дам олишга бўлган интилишни юқори эканлигини ифодалайди. Шу билан бирга ички ва ташқи сайёҳлик тизимини барқарор ривожланишда давом этиши юзасидан прогнозлашга асос беради. Сўровномада ўқувчи ёшларнинг энг кўп фоизда қатнашганлиги “супер юлдуз” лар билан боғлиқ орзуларни юқори даражада кўрсатди. Бу эса “юлдузлар”нинг таъсир доираси жуда кенглиги, бундан унумли фойдаланишда чора-тадбирларни янада чуқурлаштириш билан бирга, таълим-тарбия борасида ишларни яхшилаш зарурлигини кўрсатади. Ўз ўрнида таълим олиш ва касб ўрганиш борасидаги кўрсаткичларнинг жуда пастлигида ҳам ўз тасдиғини топди. Тиббий-соғломлаштириш борасида орзуларнинг кўп қилинганлиги мамлакат тиббий хизматининг сифати ва имкониятларини ривожлантириш зарурлигини англатади. Респондентлар тўй билан боғлиқ орзу-хаваслари энг паст кўрсаткичда эканлиги, сўнгги йилларда тўй ва маракалар билан боғлиқ ислохотларнинг яққол натижасидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Е.П. Ильин Психология творчества, креативности, одаренности/ Ильин Е.П. – СПб.: Питер, 2009, 434
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/russkaya-mechta-vzglyad-sotsiologa/viewer>.
3. Сергеев, С. А. Особенности объективации концепта мечта в русской языковой ,картине мира : дис. ... канд. филос. наук / С. А. Сергеев. – Кемерово, 2005.
4. Социология : энциклопедия / сост. А. А. Грицанов, В.Г. М. Евелькин, Г. Н. Соколова, О. В. Терещенко. – М., 2003.

-
5. Порядин И.А. Мечта. Какая она бывает? (результаты социологического исследования) (2007) [Электронный ресурс] URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mechta-kakaya-ona-byvaet-rezultat-sotsiologicheskogo-issledovaniya>
 6. Андреев А.Л. Образ Европы в современном российском обществе/ Мировая экономика и международные отношения. 2003. №5
 7. <https://stat.uz>